



МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ГЕОСТРАТЕГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Умаров Закир Равупович

иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси профессори
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14551686>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-Dekabr 2024 yil
Ma'qullandi: 18- Dekabr 2024 yil
Nashr qilindi: 24- Dekabr 2024 yil

KEY WORDS

Биобарин, минтақа хавфсизлиги тўлиқ унинг геосиёсий аҳамиятига, бошқача айтганда унинг салоҳиятини белгиловчи географик, иқтисодий ва ижтимоий хусусиятларга асосланади.

ABSTRACT

Геосиёсий нуқтаи назардан Марказий Осиё минтақасининг дунё миқёсидаги ўрни, унинг атрофида рўй бераётган геосиёсий жараёнларга боғлиқ бўлади. Шу жихатдан Марказий Осиё ҳудудига узоқ муддатли барқарорлик ҳақида гап борар экан, содир бўлаётган ҳодисалар йўналиши ҳамиша минтақадаги геосиёсий рақобат билан боғлиқ эканлиги ва мана шу вазият Марказий Осиё давлатлари учун эътиборни қаратиш зарур бўлган муҳим масалалар сифатида қолаверишини таъкидлаш ўринли бўлади.

Геосиёсий нуқтаи назардан Марказий Осиё минтақасининг дунё миқёсидаги ўрни, унинг атрофида рўй бераётган геосиёсий жараёнларга боғлиқ бўлади. Шу жихатдан Марказий Осиё ҳудудига узоқ муддатли барқарорлик ҳақида гап борар экан, содир бўлаётган ҳодисалар йўналиши ҳамиша минтақадаги геосиёсий рақобат билан боғлиқ эканлиги ва мана шу вазият Марказий Осиё давлатлари учун эътиборни қаратиш зарур бўлган муҳим масалалар сифатида қолаверишини таъкидлаш ўринли бўлади.

Биобарин, минтақа хавфсизлиги тўлиқ унинг геосиёсий аҳамиятига, бошқача айтганда унинг салоҳиятини белгиловчи географик, иқтисодий ва ижтимоий хусусиятларга асосланади. Бу борада яна бир бор таниқли америкалик сиёсатшунос З.Бзешинскийнинг «ушбу минтақага яқинлашиш масаласида устунликни ким қўлга киритса албатта геосиёсий ва иқтисодий ютуқни қўлга киритади», дея билдирилган фикрларини эслаш муҳимдир. Зеро ушбу фикрлар, Марказий Осиё ҳудудига ташқаридан бўладиган геосиёсий таъсир йўналишларини белгилаб беради.

Собиқ Иттифоқ даври ва кейинги мустақиллик йилларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатдики Марказий Осиёнинг айрим давлатлари ёки бутун минтақадаги ички сиёсий иқлимнинг ўзгариб туриши, кўпмиллатли ҳудудларда, айниқса чегара олди минтақаларидаги вазиятнинг издан чиқиши бутун минтақа учун жиддий таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, геосиёсий ташқи таъсирлар, минтақамиз халқларини ташвишга соладиган, хавотир уйғотадиган доимий муаммолигича қолаверади.

Инглиз геосиёсатчиси Питер Хопкирк ўзининг “Россияга қарши Катта ўйин: Осиё

синдроми” асарида Марказий Осиё устида “Катта ўйин”нинг қайтадан бошланганлиги қуйидагича изоҳлайди – “Зеро, ҳеч кимга сир эмаски, Марказий Осиё йигирма биринчи асрнинг энг катта хазиналаридан бири – Саудия Арабистони ва Форс кўрфазининг бошқа давлатларининг салоҳиятидан анча катта бўлган ажойиб нефт ва табиий газ захираларига эга. Бунга қўшимча равишда нодир металллар бўлган олтин, кумуш, рух, мис, темир рудаси ва пахтани ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак хорижий кучлар Ўрта Осиёнинг янги давлатларида ўз мавқеиларини мустақамлаш учун нимага курашмоқчи эканлиги аён бўлади” дея асослайди.

Маълумки минтақанинг геосиёсий мавқеи бир неча омиллар билан боғлиқ бўлади. Классик геосиёсий назарияга кўра ҳар бир минтақанинг геосиёсий мавқеи қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- Худуднинг географик жойлашуви ва табиий–иқлим хусусиятлари;
- Минтақанинг иқтисодий салоҳияти;
- Минтақа халқларининг табиий–географик омиллар таъсири остида шаклланган ақлий қобилият даражаси ҳамда анъаналари;
- ушбу хусусиятлар таъсирида шаклланган сиёсий тузумнинг табиати.

Аммо дунё давлатлари тараққиётининг кейинги даврларидаги ўрганиш шуни кўрсатадики минтақалар ёки давлатларнинг геосиёсий мавқеи аксарият ҳолларда иқтисодий омиллари билан белгиланишининг гувоҳи бўлиб келамиз. Албатта дунёда энергетика захиралари истеъмолининг кучайиши ва уларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиб кетиши бунинг асосий сабаби ҳисобланади. Марказий Осиёнинг иқтисодий салоҳияти унга бўлган геосиёсий қизиқишнинг асосий манбаи эканлигини унутмаган ҳолда минтақанинг юқорида санаб ўтилган хусусиятлари хусусида тўхталиб ўтамиз..

Марказий Осиёнинг жуғрофий ўлчамлари тўғрисида фикр юритганимизда, зеро минтақанинг худудий жойлашуви ва кўрсаткичлари унинг геосиёсий имкониятлари ҳамда стратегик салоҳиятини белгилаб берувчи муҳим табиий омиллардир. Евроосиё минтақасида асрлар давомида кечаёган геосиёсий жараёнлар ҳам илмий–назарий, ҳам амалий жиҳатдан унинг марказий қисми, аниқроғи “heartland” (“Ер юраги”)га йўналтирилганлигини кўрсатади . Бу борадаги мутахассислар фикри ўрганилганда, Ернинг ушбу (яъни юрак) қисми Марказий Осиёни ҳам ўз ичига олади. Албатта, бу минтақа айнан “юрак”нинг марказини ташкил этмасада, “юракка борадиган баъзи ўқ томирлар” ана шу худуд орқали ўтган. Бундай фикрга келишимизга, Марказий Осиё ўтмишига назар ташлаган ҳолда унинг худуди учун бўлиб ўтган тинимсиз курашлар, ҳозирга қадар давом этиб келаётган шиддатли жараёнлардан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Минтақанинг аниқ географик жойлашуви борасида Россиялик геосиёсатчи олим Александр Дугиннинг таърифига асосан, Марказий Осиё худуди Ғарбда Каспийдан бошлаб Шимолий–шарқда Олтой ўлкасига қадар, шимолдан Шимолий Қозоғистон ва яна юқорироқдаги айрим Россия губернияларининг жанубидан то Покистонга қадар худудни эгаллайди .

Марказий Осиёнинг географик жойлашуви, майдони ва демографияси ҳақида қуйидаги маълумотларни айтиш мумкин. Минтақа худуди Ғарбда Каспий денгизидан шарқда Хитойнинг Шинжонь мухтор туманига қадар Шимолда Қозоғистондан то Покистонга қадар худудни эгаллаган улкан географик бирлик бўлиб, Евроосиё

текислигининг марказий қисмини ўз ичига олган 4 млн. кв. км.лик улкан ҳудудни эгаллайди. Россия, Эрон ва Хитой каби геосиёсий нуқтаи-назардан муҳим давлатлар билан чегарадош бўлган минтақада ҳозирги кунда 77 миллион (2022й) кишига яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Мазкур ҳудудга Афғонистон аҳолисини ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, демографик кўрсаткич 110 миллион атрофида бўлади.

Минтақа ҳудуди текислик ва пасттекисликлардан иборат бўлган минтақанинг иқлими асосан континентал, мўътадил, айрим тоғли ҳудудларда арктик хусусиятга эга. Марказий Осиё ҳудудининг каттагина қисми қумли чўллар ҳамда текисликлардан иборат бўлсада ерларнинг қарийб тўртдан бири ҳосилдор деҳқончиликка қулай ерлар ҳисобланади. Табиий иқлим шароитларига кўра минтақада йилнинг тўрт фаслини ўз вақтида келишига қараб деҳқончиликни юритилиши, ҳудудда жуда қулай шароитларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имкониятларини мавжудлигини таъкидлаш зарур. Туркменистон ва Қозоғистон асосан чўл, ярим чўл, текисликлар ва пасттекисликлардан иборат.

Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудлари асосан Фарғона, Зарафшон, Вахш, Кофарникон ва бошқа серҳосил водийлар ва воҳалардан ташкил топган. Тожикистон ҳудудининг 93% атрофида тоғли ҳудуд ва Қирғизистонининг умумий ер майдонининг 94% ни денгиз сатҳидан 1000 метрдан баландда жойлашган Помир ва Тяньшань тоғ тизмалари атрофида жойлашган ҳудудлар ташкил этади. Минтақа ҳудудий жиҳатдан асосан текисликлардан иборат бўлиб, Каспий денгиз ҳамда Орол денгизи (кўли) ушбу минтақада жойлашган. Тоғли ҳудудлар бўлса Помир ва Тяньшань, шунингдек уларнинг этаклари бўлган бир неча тизмаларидан иборат.

Марказий Осиё ҳудудида энг муҳим геосиёсий омилларидан бири сув захиралари бўлиб ҳисобланади. Суғоришда фойдаланиладиган сув захиралари асосан Помир, Тяньшань, Ҳисор-Зарафшон, Нурота-Туркистон, Чотқол-Қурама, Олой ва бошқа тоғ тизмалари ҳудудида шаклланади. Қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик соҳасини сув билан таъминловчи асосий дарёлари Амударё ва Сирдарё шунингдек, юзлаб бошқа кичик дарё ҳамда ўзанлар таъминлаб беради. Бинобарин Қозоғистоннинг шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий қисмида Урал ва Иртиш каби йирик дарёлар мавжуд бўлсада, улар ўз оқими нуқтаи-назаридан нафақат минтақанинг, балки Қозоғистоннинг қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ишлатиш имконияти мавжуд эмас. Шунингдек республика ҳудудида юзлаб кичик дарёлар мавжуд бўлиб уларнинг маълум бир қисми ёз ойларида қуриб қоладиган мавсумий дарёлар ҳисобланади. Дарёларининг аксарияти ички берк ҳавзалар (Каспий ва Орол денгизлари, Балхаш кўли ва бошқ.)га оқади. Текисликлардан оқувчи дарёларнинг кўпи ёзда қуриб қолади. Тоғ дарёлари серсув ва гидроэнергияга бой. Асосий дарёлари — Иртиш, Урал, Чу, Или, Сирдарё. Қозоғистонда минглаб қўллар бўлиб уларнинг умумий майдони 45 минг км.кв. майдонни ташкил этади. Йирик қўллари: Балхаш, Зайсан, Олакўл, Тенгиз, Сассиққўл, Марқакўл ва бошқалар. Бундан ташқари Чордара, Бухтарма, Қопчиғай ва бошқа сув омборлари бор. Шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиёнинг сув захираларида танқислиги бўлиши билан бирга уларнинг тақсимотида ҳам маълум мураккабликлар мавжуд. Минтақанинг энг йирик дарёлари ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг йиллик сув оқими 78 км³ ва 36 км³ ни ташкил этади. Минтақадаги ичимлик суви захиралари асосан тоғлардаги қорлар ва музликлардан ташкил топади. Дарёларнинг сувлари асосан Тожикистон ва

Қирғизистон ҳудудига кирувчи тоғлардан бошланади ва минтақанинг барча бошқа республикалари билан биргаликда истеъмол қилади. Бу эса ўз навбатида сув тақсимотида ўзаро мувофиқ ҳаракат ва назоратни талаб этади. Марказий Осиё минтақасида сув билан боғлиқ бўлган яна бир бошқа муаммо Қозоғистон ҳудудидан ўтувчи Иртиш дарёси билан боғлиқ бўлиб, Хитой давлати ҳудудидан бошланадиган ушбу дарё устида қурилган Хитойга тегишли дамбалар Иртишбўйи экотизимига салбий томондан кўрсатилаётган таъсири Қозоғистон давлатини ташвишга соладиган масалалардандир. Бугунги кунда Марказий Осиёнинг барча республикалари трансчегаравий сувлардан фойдаланиш, йирик иншоотлар барпо этишда минтақавий экотизим, сейсмик барқарорликка жиддий эътибор қаратишларини тақозо қилмоқда. Дарёларнинг юқори оқимида жойлашган республикалар учун минтақавий можаро уйғотиш мақсадида ташқи кучлар томонидан амалга ошириладиган геосиёсий босим остида қолишлари эҳтимоли юқори бўлиб қолмоқда.

Қозоғистон ва Туркменистон ҳудудида Каспий денгизи, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудида Орол денгизи ва Қирғизистон ҳудудида Иссиққўл мавжуд бўлиб, улар атрофидаги муаммолар минтақадаги деярли барча республикаларни қамраб олади. Масалан Каспийнинг табиий-географик мақоми, яъни унинг денгиз ёки кўл эканлиги борасида ҳам бирор бир ягона ечимга келинганича йўқ. Ушбу масала Каспийбўйидаги томонларнинг геосиёсий стратегиясига боғлиқ ҳолда вақти-вақти билан долзарблашиб турувчи муҳим минтақавий масала ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки Каспийнинг мақоми масаласи унинг сув ресурслари билан эмас, балки кўпроқ унинг тубидаги қазилма бойликларнинг тақсимотига бориб тақалади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020-йил сентябрь ойида БМТда сўзлаган нутқида Орол денгизининг қуриши натижасида Оролбўйи ҳудуди “экологик фожиа эпицентрига” айланганини эслатди. Ва бу муаммони биргаликда, жумладан, икки миллион гектар майдонда янги ландшафт, ўрмонлар ва тупроқ қопламани шакллантириш орқали ҳал қилишни таклиф қилди. Ўзбекистон Президентининг ушбу таклифи БМТ Бош Ассамблеясида бир овозда маъқулланди ва резолюция имзоланди ва шу орқали Оролбўйи ҳудуди “Экологик инновациялар ва технологиялар зонаси” деб эълон қилинди. Оролбўйи минтақасидаги муаммо ХХ асрда Ер юзида рўй берган энг мудҳиш экологик муаммолардан бўлганлиги туфайли уни бартараф этилиши учун жаҳон ҳамжамияти имкониятларини ҳам бирлаштириш орқали ҳал этилиши кўзланмоқда.